



Ислом Нури

1980 марта кўрилган

Бисмиллахи рохмани рохийи

Аллома ибнул Коййим ал-Жавзийнинг «Фавоид»ларидан бир фойда

Мутаржим Бобур Ахмад

Алхамдулиллах, вассолату вассаламу ала росулиллах.

Аллох таоло мархамат килади: «Сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёктирмаслигингиз ва сизлар учун ёмон бўлган нарсани яхши кўришингиз мумкин. Аллох билур, сизлар билмассиз.» (Бакара : 216)

Ушбу оятда банда учун бир неча хикматлар, сиру-асрорлар ва яхшиликлар бордир. Агар инсон ёктирмаган нарсасидан суюкли нарсаси келиб қолиши ва суйган нарсасидан эса ёктирмаган нарсаси келиб қолиши мумкинлигини биладиган бўлса, кўнгилсиз нарса ёкимли нарса тарафидан бўлиши мумкинлигидан гофил бўлмайди. Шу билан бирга, оқибатини билмагани учун, ёмон кўрилган нарса тарафидан хуш ёкувчи нарса етиб қолишидан ҳам ноумид бўлмайди. Чунки Аллох таоло у нарсаларда бандаси билмаган нарсаларни билади. Бу ҳолат бир неча ишларни уз ичига олади.

Буйруқларга эргашиш

Албатта, банда учун буйруқларга эргашиш, итоат қилишдан манфаатлироқ нарса йўқдир. Унинг ибтидоси бандага машаққатли бўлиши мумкин, лекин, охири буткул яхшиликлар, сурурлар, лаззатлар ва қувончлардир. Гарчи кўнгилга ёкмасада, у инсон учун хайрли ва фойдалироқдир.



Ислом Нури

Шунингдек, бандага такикланган нарсаларга чўмиб кетишдан зарарлироқ нарса йўқдир. Гарчи нафси хохлаб турган ва унга мойиллиги бўлиб турган бўлсада, унинг оқибати факатгина аламлар, кўнгилсизликлар, ёмонликлар ва мусибатлардир. Аклнинг хусусияти шулки, улкан лаззат ва кўпгина яхшиликларни келтирадиган енгил аламини кўтаради. Яна ортидан улкан алам ва кўпгина ёмонликни келтирадиган енгил лаззатдан тийилади, четланади. Жохил кишининг нуктаи-назари, бир нарсани асосидан бошлаб то интихосигача камраб ололмайди. Оқил, доно эса доимо, тугал нукталарни ибтидолар пардаси ортидан кўриб туради. Ва у пардалар, тўсиклар ортидаги макталган ва мазаммат килинган ана ўша охир-оқибатни кўриб олади. У нахий килинган, таъкикланган нарсаларни халок килувчи захар аралаштирилган ширин таом каби билади. Хар сайин таомнинг лаззати, ширинлиги уни тановвул килишга чорлаб турса, ундаги оғу уни ейишдан тўсиб туради. У инсон, буюрилган амрларни, оқибатда, шифо топишга сабаб бўладиган таъми аччик, нордон бўлган дори каби кўради. Хар қачон ёкимсизлиги, аччиклиги уни истеъмол килишдан тўхтатса, унинг фойдаси тановвул килишга чакириб туради. Лекин бундай ибтидолардан туриб интихоларни идрок килиш учун инсон, илм фазилатига ва ниҳояга умид боғлаб, ўз елкасига йўл машаккатини кўтарадиган сабр кувватига мухтождир. Агар катъий ишонч ва сабр бўлмаса, бу йўлда кийналиб қолади. Қачонки банданинг катъияти ва сабри кувватлашса, доимий хайр ва лаззат истагида барча машаккатларни кўтариш, унга енгил кечади.

Ишни Аллохга топшириш

Бу ушбу оятни сирларидандир. У бандадан барча ишларнинг оқибатини биладиган Зотга топширишни ва чиройли оқибатни умид килиб, унинг учун нимани ихтиёр этса ва нимаики белгиласа рози



Ислом Нури

бўлишни, кўнишни такозо этади. Энди банда у ҳақда билими бўлмагани учун, Роббисига биронта фикрни таклиф этмайди, бирон нарсани ихтиёр этмайди ва бирон нарсани сурамайди. Чунки унинг зарари ва халокати бўлган нарсани билимсизлиги туфайли сўраб кўйиши мумкин-да ахир! Энди у Роббисининг ихтиёри устига ҳеч нарсани танламайди, балки Аллохдан унинг учун яхшилкни ихтиёр қилишини, ихтиёр қилиб, белгилаган нарсасига рози қилиб қуйишини сурайди. Банда учун бундан манфаатлироқ иш йўқ! Агар киши ўз ишини Аллохга топширса ва у белгилаган нарсага рози бўлса, у ҳолда Аллох ихтиёр этган нарсасида бандасига азму-қарор, сабр ва қувват билан мадад беради. Яна шу билан бирга белгилаб қўйган йўлида бандаси дуч келаётган офатларни ундан кетказди. Нихоят, Аллох ўз хоши-истаги натижасини, банда ўзича ихтиёр қилиб танлаганида, ета олмайдиган гўзал хотимани унга ато қилади. Аллоху акбар!!!

Қалбнинг нотинчликлардан қориг қилиш

Юқоридаги оятнинг англашнинг фойдаларидан бири, у ихтиёр қилиш, танлаш йўлидаги машаққатли фикрлардан инсонни ҳалос қилади. Бирига чиқиб, кейингисидан тушиладиган баланд довлар бўлган тадбир қилиш, тақдир қилиб белгилаш каби оғирликлардан қалбни қориг қилади. Шу билан бирга, барибир банда унга тақдир қилинган иш остидан чиқа олмайди. Агар у Аллохнинг иродасига қўнсачи, у ҳолда, унга қазо қилинган нарса етади ва у макталган, лутф қўрсатилган ва ташаққур қилинган ҳолда у тақдир ичра бўлади. Акс ҳолда, унга етган тақдир ишлари ичида у мазаммат қилинган, лутф-марҳаматдан бебаҳра ҳолатда бўлади, чунки у инсон ўз хоши-иродаси бўйича иш қўрди.

Қачонки ўз ишини Аллохга топшириши ва у Зотнинг тақдирига рози



Ислом Нури

бўлиши тўғри ҳолатда бўларкан, у тақдир килинган нарсада гамхўрлик ила бурканади ва шу Аллохнинг гамхўрлигида бўлиб, лутфи-инояти орасида яшайди. Бу гамхўрлик уни зарарли нарсалардан химоя этса, лутф-марҳамат эса унга тақдир килинган нарсалардаги кийинчиликларни енгиллатади. Бандага казо-кадар етар экан, унинг энг фойдали иш, у етган нарсага таслим бўлиш, кўниш ва тақдир йўлига ўзини ўликка солиб, ўзала тушиб ётишдир. Албатта, вахший хайвон ўлимтикни ёмайди!

Аллох барчамизни Ўзи яхши кўрган ва рози бўлган йўлга муваффақ қилсин.

Пайгамбаримиз ва у кишининг оила аъзолари, саҳобаларига саломлар ва салаотлар бўлсин.